

Товар-пул муносабатлари. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари.

Бозор ва унинг тузилиши

РЕЖА:

- 4.1. Натурал ва товар хўжалигининг иқтисодий асослари ва белгилари.**
 - 4.2. Товар ва унинг хусусиятлари. Қиймат ва баҳо. Қиймат қонуни.**
 - 4.3. Пул ва унинг келиб чиқиши. Пул функциялари.**
 - 4.4. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари**
 - 4.5. Бозор моҳияти, унинг тузилиши. Бозор турлари. Бозор инфратузилмаси.**
-

Ижтимоий хўжаликни ташкил этишнинг умумий иқтисодий шакллари

Натурал ишлаб чиқариш

Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириши учун, хўжалик ички эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилиши

Товар ишлаб чиқариш

Товар ёки хизматларнинг ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш учун яратилиши

1-жадвал. **Натурал ва товар хўжалиklarининг бир-биридан фарқланиши**

Асосий жиҳатлар	Натурал хўжалик	Товар хўжалиги
1. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш мақсади	Шахсий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш	Бошқа товарларга айирбошлаш, бозорда олди-сотди қилиш
2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг аниқланиши	Эҳтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда олдиндан аниқланади	Бозордаги муайян талаб ва ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаати асосида аниқланади
3. Истеъмолчини ўзига жалб этиш учун кураш	Бундай кураш мавжуд эмас	Бундай кураш мавжуд ва товар хўжалигининг ривожланиши билан кучайиб боради
4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниши даражаси	Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлалигича истеъмол қилинади	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар айрим турлари ва қисмларининг сотилмай қолиши, яъни истеъмол килинмаслиги
5. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучининг иштирок этиш тамойиллари	Ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўзининг ва оила аъзоларининг ишчи кучидан фойдаланилади	Ишлаб чиқариш жараёнида ёлланма ишчи кучидан ҳам фойдаланиш мумкин

НАТУРАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бунда инсонлар бозорда айирбошлаш учун эмас балки ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Ёпиқ хўжалик

Ишчиларнинг универсал (ихтисослашмаган) меҳнати

Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида тўғридан-тўғри алоқа “ишлаб чиқариш – тақсимот – истеъмол”

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бунда маҳсулот шахсий истеъмол учун эмас, балки айирбошлаш учун ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқа эса бозорда амалга ошади.

Очиқ хўжалик

Жамоага тақсимланган меҳнат

Ишлаб чиқариш ва истеъмол боғланиши
“ишлаб чиқариш – айирбошлаш –
истеъмол” формуласи асосида бозор орқали
амалга ошади

Меҳнатнинг икки ёқлама характерида келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти

Товар – бу бирон-бир нафлиликка (истеъмол қийматга) ва алмашув қийматига эга бўлган, бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматлардир

Товарнинг хусусиятлари

истеъмол қиймати (нафлилиги) – кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондира олиш қобилияти

қиймати – бир турдаги товарнинг бошқа турдаги товарга айирбош қилинадиган миқдорий нисбати

Индивидуал нафлилик – алоҳида истеъмолчининг субъектив-руҳий ҳолати нуқтаи-назаридан баҳоланган нафлилик

Ижтимоий зарурий нафлилик – талаб миқдорига мос келадиган миқдордаги нафлилик


Товар хўжалигининг вужудга келиши ва амал қилишининг ижтимоий-иқтисодий асослари

Товар хўжалигининг вужудга келиши ва амал қилишининг ижтимоий-иқтисодий асослари

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув

Хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши

Ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан бири-бирдан алоҳидалашуви



Товарга бўлган турлича ёндашувлар мавжуд

Е.Ф.Борисов

- «Товар – бу бозорда бошқа товарга эквивалент асосида айирбошлашга мўлжалланган, меҳнат орқали яратилган ижтимоий нафлиликдир».

В.И.Видяпин

- «Товар – бу айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган махсус иқтисодий неъмат».

Ш.Ш.Шодмонов,
У.В.Ғафуров

- товар – бу бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсули.

4. Пулнинг келиб чқиши, моҳияти ва вазифалари

Пулнинг
вужудга келиши
бўйича турли
илмий
концепциялари

Эволюцион
концепция

Рационалистик
концепция

Пул – товарларни айирбошлашда умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товар.

**П
У
Л
Н
И
Н
Г

В
А
З
И
Ф
А
Л
А
Р
И**

қиймат ўлчови

пул товарнинг қийматини белгилаб, уларнинг нархини аниқлайди

муомала воситаси

пул товар ва хизматларни айирбошлашда воситачи вазифасини бажаради

тўлов воситаси

пул товарларга бевосита айирбошлашсиз тўлов учун фойдаланилади

жамғариш воситаси

товар ва хизматларни келгусида сотиб олиш учун жамғарилади

жаҳон пули

пулдан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланилади

Ҳақиқий пуллар

Пулнинг ўринбосарлари

Донали
(турли
товарлар)

Салмоқли
қуйма

Тангалар

Металь

Қийматнинг
қоғоз
белгилари

Давлатнинг
қоғоз
пуллари

Кредит
пуллар

Вексель

Банкноталар

Чеклар

Бозор иқтисодиёти

- – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бундай иқтисодиёт

- эркин товар-пул муносабатларига асосланиб,
- унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади,
- у иқтисодий монополизмни инкор этади.

Айрим адабиётларда бозор иқтисодиёти

- – бозор хўжалиги субъектлари иқтисодий хатти-ҳаракатларининг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг товар-пул механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви деб баҳо берилади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига қуйидагилар киради

Уй хўжаликлари

- – иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик.

Тадбиркорлик сектори

- – бу иқтисодиётнинг даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи бирламчи бўғинидир.

Давлат сектори

- – ўз олдида фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуи.

Банк

- – иқтисодиётнинг меъёрда амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.

Бозор иқтисодиётини
тартибга солиш
механизми

```
graph TD; A[Бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми] --> B[Нарх]; A --> C[Талаб]; A --> D[Таклиф]; A --> E[Рақобат];
```

Нарх

Талаб

Таклиф

Рақобат

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

1

- турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчиликнинг устун туриши;

2

- тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;

3

- рақобат курашининг мавжудлиги;

4

- давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;

5

- корхона ва фирмаларнинг ички ва ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Замонавий бозор хўжалиги моделлари



Бозор иқтисодиётнинг *ижобий* жиҳатларини қуйидагилар киради

1

- унинг ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан шaroитларига мослашуви ва кўникишининг юқори даражаси;

2

- фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг жадал суръати;

3

- турли-туман эҳтиёжларни қондириш, маҳсулот сифатини ошириш қобилияти;

4

- бузилган мувозанатни нисбатан тезлик билан қайта тиклаш;

5

- чекланган ахборот – турли ресурсларнинг нарх даражаси ва уларнинг сарфланиш даражасига йўналган ҳолда бозор иқтисодиётининг муваффақиятли амал қила олиш имконияти.

Бозор иқтисодиётининг камчилик ёки салбий жиҳатларига қуйидагилар киради

1

- атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турлари таъсиридан муҳофаза қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги;

2

- ресурсларнинг қайта тикланмайдиган турларини сақлаш имкониятининг йўқлиги;

3

- меҳнат қилиш билан боғлиқ кафолатларнинг мавжуд эмаслиги;

4

- фанда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг ривожланишига кўмаклашувнинг йўқлиги;

5

- ривожланишнинг беқарорлиги ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиш ҳолатларининг мавжудлиги.

Бозор ва бозор иқтисодиётининг фарқи



БОЗОР

Объекти

Субъекти

иқтисодий
ресурслар

Товар ва
хизматла
р

пул ва унга
тенглаштир
илган
молиявий
активлардир

Сотувчи ва сотиб олувчи

Уй
хўжалик
лари

Тадбирко
рлик
сектори

Давлат

Банк



Бозор ҳудудий жиҳатдан ҳам турлича бўлиши мумкин.

Маҳаллий
бозорлар

Миллий
бозорлар

Ҳудудий
бозорлар

Тошкент бозори

Самарқанд
бозори

Лондон бозори

Нью-Йорк
бозори

Пекин бозори

Ўзбекистон
бозори

Россия бозори

Англия бозори

Америка бозори

Хитой бозори

Марказий Осиё
ёки Осиё бозори

Ғарбий Европа
бозори

жаҳон бозори.

истеъмол товарлари ва
хизматлари бозори

ишлаб чиқариш
воситалари ва ишчи кучи
(ресурслар) бозори

**Сотиладиган ва сотиб
олинадиган товар,
хизмат турига кўра**

валюта бозори ва фонд
биржалари

илмий техника кашфиёти
ва ишланмалар бозори